
Янги темир-бетон таянч устунлари ўтказилмоқда

Риштон туман электр таъминоти корхоналари ишчи-ходимлари томонидан айти ёзнинг жазирама кунларига қарамай, туманда Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан паст кучланишли электр тармоқларида модернизация, хусусан маънан эскирган тармоқларни янгисига алмаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Риштон туманида электр узатиш ҳаво тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш, эскирган ёғоч таянчларни янги темир-бетон устунларга алмаштириш, СИП кабеллари тортиш, юклама билан ишлаётган трансформатор пунктларини юқори қувватлисига алмаштириш каби ишлар бажарилиши кўзда тутилган бўлиб, айти пайтда ТЭТК ходимлари томонидан эскирган ёғоч устунлар махсус техникалар ёрдамида демонтаж қилиниб, янги темир-бетон таянчларга алмаштирилмоқда.

2021-07-17 14:54:59